

Ваҳий ила покланган аёл!!!

14:58 / 28.04.2017 2158

Ҳикоя қилинишича, насроний руҳонийларидан бири мусулмонларга таъна етказиш учун мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо ҳақида “Одамлар уни ўта ёмон бўҳтон билан айблашганди, у ростдан ҳам покми ёки айбдорми, биз буни билмаймиз”, дебди. Шу ерда ҳозир бўлган мусулмонлардан бири жавоб бериб: “Эй бу, қулоқ сол!, бу ерда зино билан айбланган икки аёл бўлиб, иккисини ҳам Қуръони карим поклаган, бирининг эри бўлмаган ва у бола олиб келган, иккинчисининг эса эри бўлган ва униси билан бирга бола келмаган, – (бу иккисидан Марям ва Оиша оналаримизни назарда тутган) – қайси бирлари айбланишга муносиброқ?, дебди. Руҳоний лом-мим демай жим қолибди.

Баъзи муҳаққиқ уламолар айтганлар: “Юсуф алайҳис салом фаҳш билан айбланган пайтда Аллоҳ таоло уни бешикдаги гўдакнинг тили билан айбдан поклаб қўйди. Марям (онамиз) фаҳш билан айбланганда Аллоҳ таоло уни ҳам Марямнинг ўзининг ўғли Ийсо алайҳис саломнинг тили билан поклаб қўйди. Оиша онамиз фаҳш билан айбланганда эса Аллоҳ таоло уни Ўзининг Китобида (яъни, Қуръони каримда) айбдан поклаб қўйди. Аллоҳ таоло Оиша онамизни поклашда гўдакнинг ёки пайғамбарнинг поклашини ихтиёр қилмади, балки уни тухмат ва бўҳтонлардан Қуръони каримда Ўзи поклади.

Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси